

«ТАСДИҚЛАНГАН»
“Kvarts” aksiyadorlik jamiyati
акциядорларининг 2018 йил
“14” июндаги Умумий йиғилиши
қарори билан
(2018 йил “14” июндаги 1-сонли
баённома)



“Kvarts” aksiyadorlik jamiyati
тафтиш комиссияси тўғрисидаги
НИЗОМ
(янги тахрир)

Қувасой шаҳри - 2018 й.

МУНДАРИЖА

1. Умумий қоидалар.....
2. Тафтиш комиссиясининг ваколат доираси.....
3. Текширувларни ўтказиш тартиби.....
4. Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.....
5. Тафтиш комиссиясининг мажлислари ва қарорлари
6. Тафтиш комиссияси аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари
7. Тафтиш комиссияси аъзоларининг жавобгарлиги.....
8. Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар..
9. Ахборотни ошкор этиш.....
10. Яқуний қоидалар.....

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу “Kvarts” aksiyadorlik jamiyati тафтиш комиссияси тўғрисида»ги Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (кейинги ўринларда – Қонун), Корпоратив бошқарув Кодекси (Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган) тавсиялари ва “Kvarts” aksiyadorlik jamiyati (кейинги ўринларда - Жамият) Устави асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Ушбу Низом Жамият Тафтиш комиссияси (кейинги ўринларда – Тафтиш комиссияси)нинг мақоми, таркиби, вазифалари, ваколат доираси, унинг иш тартиби ва акциядорлик жамиятининг бошқа бошқарув органлари билан ўзаро ҳамкорлигини белгилайди.

1.3. Тафтиш комиссияси Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга оширади ва Жамиятнинг назорат органи ҳисобланади.

1.4. Жамиятнинг ижроия органи ва Кузатув кенгаши Тафтиш комиссиясининг фаолиятига аралаштиришга ҳақли эмас.

1.5. Тафтиш комиссияси Жамият акциядорларининг умумий йиғилишига ҳисобдордир.

1.6. Тафтиш комиссияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, давлат бошқарув органларининг қонун ости ҳужжатларига, Жамият Уставига, ушбу Низомга ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинадиган ва Тафтиш комиссияси ҳамда унинг аъзоларининг фаолиятига алоқадор ҳисобланадиган Жамиятнинг бошқа ҳужжатларига амал қилади.

1.7. Тафтиш комиссиясининг ўз фаолияти жараёнида бошқарув ва назорат органлари, шунингдек Жамият акциядорлари билан ўзаро ҳамкорлиги Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган "Ички назорат тўғрисидаги низом"га мувофиқ амалга оширилади.

2. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНING ВАКОЛАТ ДОИРАСИ

2.1. Жамиятнинг бошқарув органлари ва акциядорларни Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисида ишончли ахборот билан таъминлаш, аниқланган камчилик ва нуқсонларни тугатиш бўйича тавсиялар киритиш ва амалга оширилган текширувлар бўйича Жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш Тафтиш комиссиясининг асосий вазифалари ҳисобланади.

2.2. Тафтиш комиссиясининг ваколат доираси Қонун, Жамият Устави ва ушбу Низом билан белгиланади.

2.3. Жамиятнинг Тафтиш комиссияси:

а) Жамиятнинг бир йиллик фаолияти яқунлари бўйича Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишга доир қуйидаги ишларни амалга оширади:

Жамиятининг молиявий ҳужжатларини текшириш, мол-мулкни хатлаш бўйича комиссия хулосаси, кўрсатилган ҳужжатларни бирламчи бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққослаш;

Жамият номидан тузилган шартномалар, амалга оширилган битимлар, контрагентлар билан ҳисоб-китобларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш;

юритилаётган бухгалтерия ва статистика ҳисобининг амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини таҳлил қилиш;

Жамиятнинг молиявий ҳолатини, унинг тўлов қобилиятини, активларнинг ликвидлигини, ўз ва қарз маблағлари мутаносиблигини таҳлил қилиш, Жамиятнинг иқтисодий ҳолатини яхшилаш заҳираларини аниқлаш ва Жамият бошқарув органлари учун уларнинг молия-хўжалик фаолияти масалалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

маҳсулот ва хизматлар етказиб берувчилари томонидан бюджетга тўловлар, иш ҳақи ва дивидендлар, облигациялар бўйича фоизлар ҳисобланиши ҳамда тўланиши, бошқа мажбуриятлар узилиши ўз вақтида ва тўғри амалга оширилаётганини текшириш;

солиқ инспекцияси, статистика органлари, давлат бошқарув органлари учун Жамият баланслари, йиллик ҳисобот, фойда ва зарарлар ҳисоби, даромадни тақсимлаш бўйича ҳисобот ҳужжатлари тўғри тузилганлигини текшириш;

Жамият томонидан қимматли қоғозлар ва акциядорлик жамиятлари, шу жумладан Жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилинишини текшириш;

б) Тафтиш комиссиясининг ўз ташаббусига, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорига кўра, ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Жамият Кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишни амалга оширади:

бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра ҳисобот ва хулоса тузади;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти бўйича амалга оширилган текшириш натижаларини Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Жамият ижроия органи эътиборига етказиш;

Жамият ижроия органи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида Жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимларни, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилинишини ўрганиб чиқади;

Жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги тўғрисида ҳар чоракда хулоса тузади;

Жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда Жамият Кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқади;

ҳисобот йили давомида Жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишига олиб чиқади.

3. ТЕКШИРУВЛАРНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

3.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича текшириш Тафтиш комиссиясининг ташаббусига, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорига кўра, ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Жамият Кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан амалга оширилади.

3.2. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тўғрисидаги талаб текшириш ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга шахслар томонидан Тафтиш комиссияси раиси номига юборилади.

3.3. Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядор (акциядорлар) Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тўғрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн кун ичида Жамият Кузатув кенгаши олдиндан хабардор қилингандан кейин Тафтиш комиссияси раиси томонидан текширишни ўтказиш тўғрисида ёки текширишни ўтказишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиниши керак.

3.4. Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишни ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарор, агар Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишни ўтказишни талаб қилаётган акциядор (акциядорлар) тегишли миқдордаги жамият овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаган тақдирда қабул қилиниши мумкин.

3.5. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш бўйича ташаббус кўрсатувчилар исталган вақтда Тафтиш комиссияси томонидан текшириш ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилингунга қадар Тафтиш комиссиясини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, ўз талабларини қайтариб олишга ҳақли.

3.6. Тафтиш комиссияси молия-хўжалик фаолиятини текшириш давомида текшириш предметида доир барча мавжуд ҳужжат ва материалларни ўрганиб чиқиши шарт.

3.7. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра Жамиятнинг тафтиш комиссияси ҳисобот ва хулоса тузади, унда:

Жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

3.8. Тафтиш комиссияси Кузатув кенгаши томонидан Жамият

акциядорларининг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан кечикмасдан Жамият Кузатув кенгашига Жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан хулоса тақдим этади.

3.9. Тафтиш комиссияси Тафтиш комиссиясининг, Акциядорларнинг умумий йиғилишининг ва Кузатув кенгашининг ташаббусига кўра, ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра ўтказилган Жамиятнинг бошқа давр ичидаги молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунлари бўйича хулосани Жамиятнинг Кузатув кенгашига хулоса тасдиқлангандан кейин бир иш кунидан кечикмасдан тақдим этади.

4. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ

4.1. Жамият тафтиш комиссиясининг сон таркиби Жамият Устави билан белгиланади ва 3 (уч) кишидан иборат бўлади.

4.2. Тафтиш комиссияси аъзолари Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан 1 (бир) йил муддатга акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача сайланади.

Тафтиш комиссиясининг аъзолари ўз мажбуриятларини тегишли тарзда бажармаслиги ҳолларида уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра амалга оширилади.

4.3. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 1 (бир) фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин 90 кундан кечиктирмай, Жамият тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

Акциядорлар (акциядор) Тафтиш комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан 3 (уч) иш кунидан кечикмасдан ўзгартишлар киритишга ҳақли.

4.4. Ушбу Низомнинг 4.3-бандида кўрсатилган муддатда акциядорлар томонидан Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар кўрсатиш бўйича таклифлар киритилмаганлиги ҳолларида Жамият Кузатув кенгаши Тафтиш комиссиясига сайлаш учун мустақил равишда номзодлар рўйхатини белгилашга ҳақли.

4.5. Айни бир шахс Жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет 3 (уч) мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

4.6. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айни шу Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

4.7. Тафтиш комиссиясининг аъзолари Жамият Санок комиссиясининг аъзоси (Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилган ҳолларда) бўлиши мумкин эмас.

4.8. Тафтиш комиссияси таркибига қоидага биноан Жамият акциядорлари (акциядорлар - жисмоний шахслар ва акциядорлар – юридик шахсларнинг ваколатли мансабдор шахслари) сайланади.

4.9. Тафтиш комиссияси таркибига Жамият акциядори бўлмаган, бироқ

молия ва иқтисодиёт соҳасида касбий иш тажрибасига эга шахслар сайланиши мумкин.

4.10. Тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари:

“Бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботи”, “Аудит”, “Молия” ихтисослари ёки иқтисодий мутахассисликлар бўйича олий ёки ўрта иқтисодий маълумот;

бухгалтерлик ҳисоби, аудит, молия ёки иқтисодий соҳада камида 3 йиллик иш тажрибасига эга бўлиш.

4.11. Тафтиш комиссияси аъзоларининг кўпчилик овози билан ўз таркибидан Тафтиш комиссияси раисини сайлайди.

4.12. Тафтиш комиссияси раиси:

Тафтиш комиссиясининг ишини ташкил қилади;

Тафтиш комиссияси мажлисларини чақиради ва ўтказиши;

Тафтиш комиссияси мажлислари баённомасини, Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра ҳисобот ва ҳулосаларни, Жамиятда аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги тўғрисидаги ҳулосаларни ва бошқа ҳужжатларни имзолайди;

Тафтиш комиссияси номидан Кузатув кенгаши йиғилишларида ва Жамият акциядорларининг умумий йиғилишларида иштирок этади;

амалдаги қонун ҳужжатларида, Жамият Уставида, ушбу Низомда ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.

4.13. Тафтиш комиссияси исталган вақтда Тафтиш комиссияси аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан ўз Раисини қайта сайлашга ҳақли.

4.14. Жамиятнинг Тафтиш комиссияси раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Тафтиш комиссиясининг аъзоларидан бири амалга оширади.

4.15. Тафтиш комиссияси аъзоси ўз ташаббусига кўра исталган вақтда Тафтиш комиссияси таркибидан, Кузатув кенгашини Тафтиш комиссиясидаги ишини тўхтатишидан бир ой олдин хабардор қилган ҳолда, чиқишга ҳақли. Бу ҳолда Акциядорлар умумий йиғилиши ўзининг энг яқин вақтда ўтказиладиган мажлисида Тафтиш комиссиясининг аъзосини алмаштиради.

4.16. Тафтиш комиссиясининг алоҳида аъзоларининг ёки бутун таркибининг ваколатлари Акциядорлар умумий йиғилишининг йиғилишда иштирок этаётган Жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари – акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинадиган қарори билан қуйидаги асосларга кўра муддатидан олдин тугатилиши мумкин:

Тафтиш комиссиясининг ишида 3 мартадан ортиқ узрсиз сабабларга кўра қатнашмаслик;

Текширишларни ўтказиш пайтида Тафтиш комиссияси аъзолари текширув мавзусига тааллуқли бўлган барча ҳужжатлар ва материалларни синчиклаб текширмаганликлари оқибатида Жамият тафтиш комиссиясининг нотўғри ҳулосалар чиқаришига олиб келганлик;

Тафтиш комиссияси аъзолари томонидан Жамият учун салбий оқибатларни келтириб чиқарадиган бошқа ҳаракатлар (ҳаракатсизлик)ни амалга оширганлик.

4.17. Тафтиш комиссияси аъзолари сони Жамият Уставида ва ушбу Низомда кўзда тутилган соннинг ярмидан камайган тақдирда, Кузатув кенгаши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тафтиш комиссиясининг янги таркибини сайлаш учун Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт.

5. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНING МАЖЛИСЛАРИ ВА ҚАРОРЛАРИ

5.1. Жамиятнинг Тафтиш комиссияси мажлислари ҳар чоракда камида 1 (бир) марта, Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишдан олдин ва текширишдан кейин, шунингдек бошқа зарур ҳолларда исталган вақтда ўтказилади.

5.2. Тафтиш комиссиясининг мажлислари амалдаги қонун ҳужжатларига, Жамият Уставига ва ушбу Низомга мувофиқ Тафтиш комиссияси раиси томонидан мустақил равишда, Тафтиш комиссияси аъзоларининг ёки Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини навбатдан ташқари текширишни талаб қилиш ҳуқуқига эга шахсларнинг талабларига кўра чақирилади.

5.3. Тафтиш комиссиясининг мажлислари комиссия аъзоларининг бевосита иштирокида ўтказилади.

5.4. Жамият Тафтиш комиссиясининг мажлисини ўтказиш учун Тафтиш комиссиясининг камида 2 (икки) аъзоси ҳозир бўлиши зарур.

5.5. Тафтиш комиссиясининг таркибида 1 (бир) киши қолган тақдирда, Жамият Тафтиш комиссиясининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилишини чақириши шарт.

5.6. Масалалар ҳал этилаётганда, Тафтиш комиссиясининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Тафтиш комиссиясининг қарорлари (шу жумладан, Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижаларига кўра хулосани тасдиқлаш масаласи бўйича қарор) Тафтиш комиссияси аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

5.7. Тафтиш комиссиясининг қарори Тафтиш комиссиясининг мажлис баённомаси билан расмийлаштирилади, унда қуйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда иштирок этган Тафтиш комиссияси аъзоларининг рўйхати;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари (мажлисда иштирок этган ҳар бир Тафтиш комиссияси аъзосининг овоз бериш натижасини кўрсатган ҳолда);

қабул қилинган қарорлар.

5.8. Баённомага Тафтиш комиссияси томонидан тайёрланган хулосалар, ҳисоботлар ва бошқа материаллар илова қилинади.

5.9. Тафтиш комиссиясининг аъзоси Тафтиш комиссиясининг қароридан норози бўлган тақдирда ўзининг алоҳида фикрини мажлис баённомасига киритишни ва Жамиятни бошқариш органлари ва (ёки) акциядорлари эътиборига

етказишни талаб қилишга ҳақли.

5.10. Тафтиш комиссиясининг мажлис баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

5.11. Мажлис баённомалари, Тафтиш комиссиясининг ҳисоботлари, хулосалари ва Тафтиш комиссиясининг мажлис баённомасига илова қилинадиган бошқа материаллар Жамият Кузатув кенгашига тақдим этилади.

5.12. Мажлис баённомалари, Тафтиш комиссиясининг ҳисоботлари, хулосалари ва Тафтиш комиссиясининг мажлис баённомасига илова қилинадиган бошқа материаллар Жамиятда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сақланади.

6. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Жамият Тафтиш комиссиясининг аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Жамиятнинг исталган молиявий ҳужжатларини, шу жумладан Жамият хатлов комиссиясининг ҳужжатларини текшириш, кўрсатилган ҳужжатларни бирламчи бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан қиёслаш;

Жамиятнинг бошқарув органларидан, унинг бўлинмалари ва хизматларидан, мансабдор шахсларидан ўз фаолиятини амалга ошириш учун зарур ҳужжатларни талаб қилиш ва олиш. Кўрсатилган ҳужжатлар ва материаллар Тафтиш комиссиясига унинг сўровидан кейин икки кун давомида тақдим этилади;

ишлаб чиқариш-хўжалик, молиявий, ҳуқуқий фаолиятда қонунбузарликлар аниқланган ёки Жамият манфаатларига бошқача хавф таҳдид солинган ҳолларда Акциядорларнинг умумий йиғилишини (бир овоз билан қарор чиқарган ҳолда) чақиришни талаб қилиш;

Жамият Кузатув кенгаши мажлисларини чақиришни талаб қилиш. Кузатув кенгаши раиси тафтиш комиссиясига унинг талабига кўра Кузатув кенгаши мажлисини чақиришни рад этишга ҳақли эмас.

Жамият Кузатув кенгаши мажлисларида унинг исталган аъзоларидан бирининг таклифига биноан иштирок этиш:

Жамиятнинг бошқарув органлари, унинг бўлинмалари ва хизматлари олдига, Жамият томонидан қабул қилинаётган низомлар, қоидалар ва йўриқномаларни бузганлари тақдирда, Жамият ходимлари, шу жумладан мансабдор шахсларининг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани қўйиш;

Жамиятнинг молиявий ҳисоботларни Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига мувофиқ тарзда эълон қилишга ўтиши масалалари бўйича ишчи гуруҳ ишида иштирок этиш;

қонун ҳужжатларида ва Жамиятнинг ички ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақ ва (ёки) иш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаш учун компенсациялар олиш.

Тафтиш комиссиясининг аъзолари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

6.2. Тафтиш комиссиясининг аъзолари мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши, ижроия органи эътиборига амалга оширилган тафтиш ва текширишлар натижаларини Жамиятнинг бошқарув органлари мажлисларидаги ёзма ҳисоботлар, маърузаномалар, ахборотлар шаклида ўз вақтида етказиш;

Жамиятнинг йиллик ҳисоботига киритиладиган ва Жамиятнинг йиллик бухгалтерия ҳисоботларида бўладиган маълумотларнинг тўғрилигига баҳо бериш;

Жамиятнинг хатарлар олдидаги заиф томонларига ёки унинг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа вазиятларга баҳо бериш;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини унинг йил давомидаги фаолияти яқунларига кўра, шунингдек қонун ҳужжатларига, Жамият Уставига ва ушбу Низомга мувофиқ шахсларнинг ташаббусига кўра исталган вақтда тафтиш қилишни амалга ошириш;

тижорат сирини сақлаш, ўз функцияларини бажаришлари пайтида Тафтиш комиссияси аъзолари фойдалана оладиган махфий маълумотларни ошкор қилмаслик. Агар тафтиш комиссияси ишига эксперт сифатида тафтиш комиссияси аъзоси бўлмаган шахслар жалб қилинса, улар тижорат сирини сақлаш хусусида огоҳлантирилишлари зарур. Уларнинг ҳаракатлари учун жавобгарлик, уларни тафтиш ишига жалб қилган тафтиш комиссияси аъзолари зиммасига юкланади;

акциядорларнинг Жамият бошқарув органлари ва мансабдор шахслари ҳаракатлари бўйича арзларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш;

ишлаб чиқариш-хўжалик, молиявий, ҳуқуқий фаолиятда аниқланган қонунбузарликларнинг ёки Жамият манфаатларига таҳдид солаётган муайян хавфнинг Жамият бошқарув органлари томонидан ечимини топиш зарурати юзага келганда, Жамият Кузатув кенгаши мажлисларини чақиришни, Акциядорларнинг умумий йиғилишини чақиришни талаб қилиш;

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида иштирок этиш.

Тафтиш комиссиясининг аъзолари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

7. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Тафтиш комиссиясининг аъзолари Жамият ва унинг акциядорлари манфаатларини кўзлаб иш тутишлари зарур.

7.2. Тафтиш комиссиясининг аъзолари ўз мажбуриятларини тегишли тарзда бажармаганликлари учун белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

8. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИГА ТўЛАНДИГАН ҲАҚ ВА КОМПЕНСАЦИЯЛАР

8.1. Тафтиш комиссиясининг аъзоларига Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни

қопланиши мумкин.

8.2. Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган “Kvarts” aksiyadorlik jamiyatining бошқарув ва назорат органлари, меҳнат жамоаси аъзоларини рағбатлантириш” Тартибига мувофиқ белгиланади.

9. АХБОРОТНИ ОШҚОР ЭТИШ

9.1. Жамиятнинг корпоратив сайтида Тафтиш комиссиясининг фаолияти тўғрисидаги ахборот жойлаштирилади, шу жумладан:

Тафтиш комиссиясининг таркиби;

«Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низом», шунингдек унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича Тафтиш комиссиясининг хулосалари;

қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бошқа ахборотлар.

10. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Ушбу Низом Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқлангандан кейин кучга киради.

10.2. Ушбу Низомга амалдаги қонун ҳужжатлари ўзгартирилганлиги ва Жамият Уставига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши мумкин.

10.3. Ушбу Низомга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқлангандан кейин кучга киради.

“Kvarts” АЖ
Бошқарув раиси



А.А.Пулатов